

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ВАҚТИНЧАЛИК
БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР
СМЕТА ХАРАЖАТЛАРИ
НОРМАЛАРИ ТҮПЛАМИГА
ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ
ИШЛАРИ БЎЙИЧА
Қўшимча**

ШНҚ 4.09 – 06

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ-2006**

Вақитнчалик бинолар ва иншоотлар смета харажатлари нормалари тўплами ШНҚ 4.09-06 га таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш бўйича қўшимча (Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» Тошкент 2006 й., 9 бет.).

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш Маркази томонидан ўрнига қайта ишланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг 31 май 2007 йил 54-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш Кўмитаси капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан тайёрланган.

Норматив хужжатдан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш ва Ўзстандарт агентлиги томонидан нашр этилган қурилиш нормалари ва қоидаларига, ҳамда давлат стандартига киритилган ўзгаришлар хисобга олиниши керак.

Мазкур норматив хужжатни расмий тўлиқ ёки қисман қайта ишлаб чиқиши, кўпайтириш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш Кўмитаси ва ишлаб чиқарган ташкилот рухсатисиз нашр этишга рухсат этилмайди.

**Капитал қурилишда
иқтисодий ислоҳотлар ва
нархларни шакллантириш Маркази:
Интернетдаги сайт
электрон почтаси**

**web: www.stroyinfo.uz
e-mail: stroyinfo@dostlink.net**

**web: www.stroyinfo.uz
e-mail: stroyinfo@dostlink.net**

ШНҚ 4.09-06

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва Қурилиш Кўмитаси (Давархитектқурилиш)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари Вақтингчалик бинолар ва иншоотлар смета харажатлари нормалари тўпламига таъмирлаш-қурилиш ишлари бўйича кўшимча	ШНҚ 4.09-06 Кўшимча
--	--	------------------------

Кириш

Вақтингчалик бинолар ва иншоотларни смета харажатлари нормалари тўплами (ШНҚ 4.09-06) га кўшимча (кейинчалик кўшимча) таъмирлаш-қурилиш ишларини бажаришда капитал таъмирлаш турлари бўйича ўрнатилган, титулли вақтингчалик бинолар ва иншоотларни норма асосида қуриш харажатларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Нормалар янги қурилиш шартларидан фарқланиб, бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларини бажариш хусусиятларини ҳисобга олади. Смета нормалари ва низомлари барча корхоналар, ташкилотлар учун мансублиги ва мулкчилик усулидан ташқари уй-жой-фуқороларга мўлжалланган обьектларда капитал таъмирлаш ишларини бажарувчилар учун мажбурийдир.

Смета нормалари инвестицион жараён катнашувчилари деб аталувчи буюртмачи-қурувчи ва лойиҳалаш ташкилотлари, давлат бошқариш ва назорати органлари, бош пудратчи қурилиш ташкилотлари (фирмалар, корхоналар, бирлашмалар) бошқа юридик ва жисмоний шахсларни фойдаланиши учун мўлжалланган.

1. Умумий низомлар

1.1. Мазкур қўшимча уй-жой-фуқоро обьектларига тегишли бўлиб, таъмирлаш-қурилиш ишларини бажаришда вақтингчалик титул бинолар ва иншоотларни қуриш учун смета хужжатларида кўрсатилган маблағ ўлчамини аниқлаш учун мўлжалланган.

Вақтингчалик бинолар ва иншоотлар учун керакли маҳсус қуриладиган ёки капитал таъмирлаш даврига мослаштирилган, ишлаб чиқариш, омбор, ёрдамчи уй-жой ва жамоат бинолари ва иншоотларига тегишилдири.

Вақтингчалик бинолар ва иншоотлар титулли ва титулсизларга бўлинади.

Давархитектқурилиш Кўмитасининг Иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш Кўмитасининг 31 май 2007 йил 54-сонли буйргуи билан тасдиқланган	Кучга кириш муддати май 2007 йил
--	--	--

Титулли вақтингалик бинолар ва иншоотларга тегишли ишлар ва харажатлар рўйҳати 1-иловада берилган.

1.2. Титулсиз вақтингалик бинолар ва иншоотларни (айрим объектларни талабини қондириш учун) қуриш, йигиши, бузиш, амортизация, жорий таъмирлаш ва жойини алмаштириш харажатлари мазкур кўшимчада ҳисобга олинмаган. Ушбу харажатлар ишлаб чиқариш характеристи бўйича бошқа харажатларда кўрсатилган.

Титулсиз вақтингалик бинолар ва иншоотлар рўйҳати 2-иловада берилган.

1.3. Лимитланган харажатларни смета нормативлари номенклатураси “Уй-жой биноларини капитал таъмирлаш лойиҳа смета хужжатлари таркибини ишлаб чиқариш тартиби, келишуви ва тасдиқлаш кўлланмаси” (Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг 30.12.96 й. 124-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 1.03.03-97) да келтирилган капитал таъмирлаш таснифлашига мувофиқ.

Капитал таъмирлаш - бу конструкцияларни бутунлай ёки айрим қисмларини тиклаш ва алмаштириш (бинолар ва иншоотларда хизмат муддати кўпроқ бўлган асосий конструкцияларни бутунлай алмаштиришдан ташқари) ва биноларни инженер-техник асбоб-ускуналарини жисмоний эскириши ва бузилиши билан боғлиқлиги.

Капитал таъмирлаш тури бўйича смета нормативлари қўйидаги қисмларга гурухланган:

- бинолар ва иншоотларни комплекс капитал таъмирлаш;
- танлаб (оралатиб) капитал таъмирлаш;

-ташқи инженерлик коммуникациялари ва ободонлаштириш объектларини капитал таъмирлаш.

1.3.1. Биноларни ҳаммасини тўла ёки айрим секциясини қамраб олган ишлар, биноларни комплекс капитал таъмирлашга тегишилдир, бундай ҳолда жисмоний ва маънавий эскиришлар бартараф этилади (шу билан бирга таъмирлаш объектларига тегишли бўлган, инженерлик асбоб-ускуналари, ташқи тармоқлар ва территорияни ободонлаштириш).

1.3.2. Бинолар ва иншоотлар ёки асбоб-ускуналарни айрим конструктив элементларини таъмирлаш ишлари бинолар ва иншоотларни танлаб (оралаб) капитал таъмирлашга тегишилдир, бундай ҳолда жисмоний эскиришлар бартараф этилади.

1.3.3. Сув қувури, канализация, иссиқлик-газ таъминоти ва электр таъминлаш тармоқларини таъмирлаш ишлари майдонларни кўкаламзорлаштириш, йўлкалар, тор кўчалар, тротуарлар ва шу кабиларни таъмирлаш ишлари ташқи инженерлик коммуникациялар ва ободонлаштириш объектларини капитал таъмирлашга тегишилдир.

1.4. Бинолар, иншоотлар ва инженерлик асбоб-ускуналарини икки ва кўпроқ конструктив элемент турларини капитал таъмирлашини бажарганда вақтингалик бинолар ва иншоотларни харажати тегишли ишлар турини смета баҳосидан норма бўйича пропорционал тарзда аниқланади.

1.5. Смета нормалари харажати фоизда (1-жадвал) мазкур кўшимча бўйича таъмирлаш-қуриш ишлари баҳосидан аниқланади.

ШНҚ 4.09-06

1.6. Смета нормалари таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш учун керакли бўлган тўла комплекси титулли вақтингчалик бинолар, иншоотларни қуриш ва сўнгра бузиш, ҳамда ишларни бажариш талаби учун мунтазам турдаги мавжуд бинолар ва иншоотларни мослаштириш ва фойдаланиш имконияти ҳисоби, қурилиш майдони чегарасида ишчиларга хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобга олинган.

1.7. Смета нормалари контейнерли, йиғма-бузиш ва мобил (инвентор) бинолар баҳосини ҳисобга олмайди.

1.8. Смета нормаларида титулли вақтингчалик бинолар ва иншоотлар қурилишда ушбу харажатлар ҳисобга олинмайди:

-йиғма-бузиш вақтингчалик бинолар, инвентар уйлар, вагонлар ва контейнер турдаги бошқа хоналарни комплект инвентар қисмлари, ҳамда уларни жихозлаш учун асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари билан биргаликда (буортмачи ёки пудратчининг хусусий маблағи ҳисобига олинади);

-капитал таъмирлаш даврида фойдаланилган доимий харакатдаги автомобил йўлларига қараб туриш ва ишлар тугагандан сўнг тиклаш;

-титулли вақтингчалик бинолар ва иншоотларни қуришга лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.

Типовой вақтингчалик бинолар ва иншоотларни боғлаш, бошқа харажатлар ҳисобига “ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш харажатлари” моддаси бўйича бажарилади.

1.9. Смета нормаларига киритилмаган ва бевосита объект сметасида конкрет объект учун айrim таъмирлаш-қурилиш ишлари турларини бажаришга керакли капитал таъмирлашни ташкил этиш

войиҳаси асосида вақтингчалик мосламаларни қуриш харажатлари ҳисобга олинади:

-юқ кўтариш кранлари (кран ости излари) остига рельсли излар, улар ости асосларини қуриш билан;

-биноларни бузганда бинолар ва иншоотларни конструкцияларни шикастланишдан сақлаш учун;

-бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш билан боғлик вақтингчалик автойўлларни айланиб ўтиш;

-ишлаб турган иморатларни таъмирланаётганидан ажратувчи вақтингчалик ўраш конструкциялари, ҳамда биноларни айrim қисмларини фойдаланишга топшириши таъминлаш учун ўраш конструкциялари;

-вақтингчалик чизма бўйича фойдаланишга топширилаётган обьектларга боғлик тармоқлар ва иншоотлар, кўрсатилган харажатлар рўйхати капитал таъмирлашни ташкил этиш лойиҳаси маълумотларига биноан тўлдирилиши мумкин.

2. Нормалардан фойдаланиш тартиби

2.1. 1-жадвалда келтирилган смета нормалари уй-жой-фуқоро обьектларини капитал таъмирлаш учун ишлаб чиқилган.

2.2. Ишлаб чиқариш биноларини капитал таъмирлашда, харакатдаги корхоналар, бинолар ва иншоотларни реконструкция ва кенгайтиришда, уй-жой-фуқоро обьектларини реконструкция этишга смета хужжатларини тузганда титулли вақтингчалик бинолар ва иншоотларни маблағ миқдори “вақтингчалик бинолар ва иншоотлар смета харажати нормалари тўплами” (ШНҚ 4.09-06) бўйича 0,8 коэффициент қўлланиб аниқланиши лозим.

2.3. Мазкур қўшимча нормалари бинолар ва иншоотларни жорий таъмирлашга тарқатилмайди.

3. Вақтингчалик тартиб бинолар ва иншоотларни ҳисоб-китоби

3.1. Титулли вақтингчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши маблағи микдори аниқланиши мумкин:

-мазкур қўшимча нормалари бўйича;

-капитал таъмирлашни ташкил этиш лойиҳаси маълумотлари асосида, ҳисоби бўйича.

Бир вақтда кўрсатилган усулларни қўллашга руҳсат этилмайди.

3.2. Буюртмачилар ва пудратчилар орасидаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар учун ҳисоб-китоб, ҳақиқатдан қурилган вақтингчалик бинолар ва иншоотлар учун бажарилади.

3.3. Буюртмачи ва пудратчи орасида ўрнатилган вақтингчалик бинолар ва иншоотлар учун ҳисоб-китоб тартиби, капитал таъмирлашни бошидан охиригача қўлланиши лозим.

3.4. Қурилган титулли вақтингчалик бинолар ва иншоотлар фойдаланиш учун қабул қилинади, буюртмачининг асосий маблағларига киритилади (вақтингчалик автомобил йўллар, шоҳобча йўллар ва деворларни архитектурали безашдан

ташқари) ва фойдаланиш учун пудратчига пудрат шартномаси бўйича ўрнатилган тартибда топширилади.

3.5. Вақтингчалик бинолар ва иншоотларни бузиш харажати, уларни тугатишда тўланади.

Буюртмачининг балансидаги вақтингчалик бинолар ва иншоотларни бузишдан ҳосил бўлган асбоб-ускуналар, деталлар, материалларни сотишдан тушган қайтим маблағи, ушбу материаллар ва деталларни жорий нархда сотиш ҳисобини аниқлайди (уларни яроқли ҳолга келтириш ва тахлаш жойига келтириш харажатидан ташқари).

3.6. Вақтингчалик бинолар ва иншоотларни бузишдан ҳосил бўлган конструкциялар ва материаллар, буюртмачининг бухгалтериясининг киримига киритилади ва пудратчига унинг розилиги билан сотилади.

3.7. Вақтингчалик автомобил йўлларини қуришда ишлатилган йиғма темирбетон плиталарини бузишдан ҳосил бўлган плиталарни қайтим баҳоси буюртмачи ва пудратчи имзолаган далолатнома асосида аниқланади.

**Таъмирлаш-қурилиш ишларини бажаришда титулли вақтингачалик бинолар ва
иншоотларни қуриш смета нормалари харажати**

1 жадвал

Тарт. сони	Капитал таъмирлаш турлари номи	Норма таъмирлаш ишлари баҳосидан %
1	Бинолар ва иншоотларни комплекс капитал таъминлаш	
1.1	Яшаш уйлари	0,9
1.2	Жамоат бинолари	1,2
1.3	Коммунал объектлари	1,2
2	Танлаб капитал таъминлаш	
2.1	Фасадлар	0,3
2.2	Томлар	0,4
2.3	Бино ички хоналарини пардозлаш	0,25
2.4	Ички санитар-техник ишлари	0,3
3	Ташқи инженерлик коммуникацияларни ва ободонлаштириш объектларини капитал таъмирлаш	
3.1	Ташқи сув қувурлари, канализация иссиқлик-газ таъминоти тармоқлари (магистралсиз)	1,1
3.2	Ташқи электр таъминоти тармоқлари	1,0
3.3	Шахар йўллари ва йўлкалари	1,4
3.4	Кўкарамзорлаштириш	0,9
3.5	Шахар кўприклари, қирғоқлар, қирғоқ мустаҳкамлаш ишлари	1,9

1-илова

**Титулли вақтингчалик бинолар
иншоотларга тегишли ишлар ва
харажатлар рўйхати**

1. Ишчиларга хизмат қўрсатиш учун вақтингчалик мослаштирилган мавжуд доимий бинолар ва иншоотларни фойдаланиб бўлгандан сўнг, уларни таъмираш ва тиклаш.

2. Ижара ва мавжуд хоналарни мослаштириш жиҳозларини, кейинчалик тарқатиши.

3. Ишлаб чиқариш талаби учун вақтингчалик мослаштирилган мавжуд доимий бинолар ва хоналарни ишлатиб бўлгандан сўнг, уларни тиклаш ва таъмираш.

4. Контейнерли, йиғма-бузиш мобил (инвентар) ишлаб чиқариш, омбор, ёрдамчи, уй-жой ва жамоат бинолари ва иншоотлари конструкциялари ва деталларини қурилиш майдонида кўчиб юриши, асослар ва пойдеворларни қуриш, зарур пардозлаб монтаж этиш, асбоб-ускуналарни монтажи, инженерлик тармоқларни киритиш, қисмларга ажратиш ва демонтажлаш, майдонни тиклаш, конструкциялар ва деталларни омборга жойлаш.

5. Амортизация чегирмаси (ижара ҳақи), контейнер, йиғма-қисмларга ажратиш ҳилли мобил (инвентар) биноларни жорий сарфи (бошқа харажатлар таркибида ҳисобга олинган санитар-маиший хизмат биноларидан ташқари).

6. Қурилиш майдонидаги ёпиқ вақтингчалик материал-техник (иситиладиган ва иситилмайдиган) ва ушбу қурилиш учун келадиган

материаллар, буюмлар, конструкцияларни сақлаш учун омборлар.

7. Материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналар, ҳамда юклаш-юқ тушириш учун вақтингчалик жойлар (майдонлар, платформалар ва шу кабилар).

8. Кўп вазифани бажарувчи вақтингчалик ишлаб чиқариш устахоналари (таъмираш-механика, арматура, дурадгорлик ва бошқалар).

9. Вақтингчалик тош майдалаб-сарагаш қурилмалари ва қурилиш майдонида бетон ва қоришма тайёрлаш қурилмалари.

10. Таъмираш-қурилиш участкаси, поездлар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларнинг идораси.

11. Қурилиш майдонидаги вақтингчалик лабораториялар, қурилиш материаллари ва буюмларини синаш учун.

12. Вақтингчалик гаражлар.

13. Қурилиш территориясида ёнғинга қарши тадбирлар билан боғлиқ вақтингчалик иншоотлар.

14. Шаҳарлардаги маҳсус архитектурали безалган деворлар ва ўровлар.

15. Қурилиш майдонидаги вақтингчалик йўллар, йўлкаларни қуриш ва қараш, сўнгра қисмларга ажратиб бузиш.

16. Қурилиш майдонидаги манбадан ҳисоб приборига бўлган электроенергия, сув, иссиқлик ва бошқа таъминловчи вақтингчалик коммуникацияларни қуриш ва бузиш.

2-илова

**Пудратчини бошқа харажатлар
таркибида ҳисобга олинган
вақтингчалик титулсиз бинолар ва
иншоотларга қарашли ишлар ва
харажатлар рўйхати**

- 1.** Иш бошқарувчилар ва усталарни омбори ва объект идораси.
- 2.** Объект қурилишидаги айвонлар ва омбор иморатлари.
- 3.** Душхона, кутубхона, канализациялаштирилмаган ҳожатхоналар ва ишчиларни исиниш хонаси.
- 4.** Тўшамалар, нарвонлар, зиналар, ўтиш кўприклари, юриш тахталари, бинони (геодезик ўққа) бўлим обноскалари.
- 5.** Иншоотлар, мосламалар ва техника хавфсизлиги бўйича қурилмалар.
- 6.** Қурилиш ишлари смета нормаларида ёки асбоб-ускуналарни монтажи нормаларида берилмаган қурилиш ишлаб чиқариш учун зарур ҳавозалар, ташқи осма кажавалар, деворлар ва ўрамлар *(максус ва архитектурали

безалганларидан ташқари), бурғулаб портлатиш ишлаб чиқариш ишларидаги сақлагич козереклари, яшириниш жойлари.

**Деворлар ва ўровлар, улардан фойдаланиши вақти ва техник хусусияти бўйича кам нархли ва тез шидан чиқувчи жисмларга тегишиллари.*

- 7.** Магистрал ва ажратувчи тармоқлардан ишчи зонаси чегарасида элекроенергия, сув, буғ, газ ва ҳавони вақтингчалик ажратгич (узунлик иншоотларини ўқи ёки бинолар периметридан 25 метргача чегарасидаги территория);
- 8.** Юқорида кўрсатилган вақтингчалик бинолар ва иншоотлар қурилиши ўрнига, қурилиш майдонидаги мавжуд ва қурилаётган биноларни мослаштириш билан боғлиқ сарфлар.

Мұндағы жа

	Бет
Кириш	3
1. Умумий низомлар	3
2. Нормалардан фойдаланиш тартиби	5
3. Вақтингеңдік тартиб бинолар ва иншоотларни ҳисоб-китоби	6
1 жадвал	
Таъмирлаш-қурилиш ишларини бажаришда титуллы вақтингеңдік бинолар ва иншоотларни қуриш смета нормалари харажаты	7
1 илова	
Титуллы вақтингеңдік бинолар иншоотларга тегишли ишлар ва харажаттар рүйхаты	8
2 илова	
Пудратчини бошқа харажаттар таркибіда ҳисобға олинған вақтингеңдік титулсиз бинолар ва иншоотларга қарағызғы ишлар ва харажаттар рүйхаты	9